

**Muhabbatkhon M. AGZAMOVA,**  
*Docent of the ICESCO Department for Islamic  
Studies and the Study of Islamic Civilization,  
International Islamic Academy of Uzbekistan, PhD  
A.Qadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan  
E-mail: [m.agzamova@iiau.uz](mailto:m.agzamova@iiau.uz)*

**DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2024-4/11**

## **ИЛК ИСЛОМ ТАРИХИГА ОИД АСАРЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ**

### **FORMATION OF WORKS ON EARLY ISLAMIC HISTORY AND THEIR SPECIFIC ASPECTS**

### **ФОРМИРОВАНИЕ РАБОТ ПО РАННЕЙ ИСЛАМСКОЙ ИСТОРИИ И ИХ СПЕЦИФИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ**

#### **КИРИШ**

Тарих аниқ бир вақт, муддат ва замонда юз берган, муайян маконда вужудга келган, ўз даври одамларининг ақлий салоҳияти, мақсадлари ва иддаолари туфайли содир бўлган воқеа-ходисалар тизими ҳисобланади (Н.Жўраев, 2017). Тарих – ўтмишни ўрганиш, ҳозирги замонда фойдаланиш ва келажакка яхши тайёргарлик кўриш каби ўтмиш, бугун ва келажакни ўз ичига оладиган фандир.

Тарих катта эътибор қаратилган илмлардан бўлиб, хаттоки ислом цивилизациясининг бевосита маҳсулси сифатида эътироф этилади. Тарих ўтмишдан ҳозирги кунга қадар давом этиб келган ва қўплаб халқлар томонидан амалда бўлган, цивилизация жараёнларини ёритган ҳодисалар баёни ҳисобланади. Қадимги Арабистонда тарих алоҳида илм сифатида исломдан кейинги даврда шаклланган бўлса-да, арабларда бу илмга қизиқиш аввалдан шаклланган. Бироқ, бу қизиқиш тарихга оид материалларни ёзма баён этиш даражасида эмас эди.

Ислом тарихчиларининг фикрига кўра, дастлабки даврларда ҳам кейинги даврларда ҳам, маълумотларни саралаган ҳолда тақдим этиш, объектив ёндашувнинг устувор бўлиши, холис ва ростгўй бўлиш, ўзи шуғуланаётган мавзуни яхши тушуниши ва илм маърифатли бўлиш тарихнавис учун зарур омиллардан ҳисобланади.

Тарих сўзининг келиб чиқиши ҳақида турлича фикрлар мавжуд. Дастрлабки даврларда араб тарихчилари «ахборий»лар яъни «хабарчи»лар, деб номланиб, улар асосан оғзаки нақлга таянган ҳолда тарихий воқеаларни баён қилишган. Ахборийларнинг араб подшоҳлари, араб ва форслар ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги маълумотларга кўпинча гувоҳи бўлган шахслар томонидан оғзаки етиб келгани сабабли, ишончли манба сифатида қаралган (А.Ҳасанов, 2017:23-24). Араблар орасида «خبر» – «хабар» сўзининг қўплиги бўлган «أخبار» лафзи билан ифодаланиб, «ахбор» атамаси вақт ўтиши билан ўз маъносини ўзгартирди, кейинчалик «тарих» сўзи қўлланила бошлади. Жоҳилия даври манбаларида «тарих» сўзи учрамагани сабабли, баъзилар бу сўз араб тилига бошқа тиллардан кириб келган, деб фикр билдирулар, баъзи тадқиқотчилар «тарих» сўзининг асли форсча «روز ماه» шаклидан тўғридан-тўғри ўғирма бўлиб, сомий тилларга ўтганини, бу сўз вақт ўтиши билан ўзгариб, ҳозирги шаклга келганини айтишади.

Баъзи фикрларга кўра эса, «Тарих» сўзи юононча «historia» сўзидан таржима бўлиб, «тадқиқот» ёки «текширув натижасида олинган билим», деган маънони англатади. Қадимги юон тилида у ўтмишдаги воқеалар ёки сўровлар ҳақида маълумотга ишора қилди. Вақт ўтиши билан бу сўзининг маъноси ўтмишдаги воқеаларни, хусусан, инсоният жамиятлари ва цивилизацияларига тегишли бўлган воқеаларни тизимли ўрганиш ва қайд этишни қамраб олди.

Яна бошқа фикрга кўра, араб тилида «ارخ» сўзидан олинган бўлиб, ҳодисаларнинг вақтини ой, кун ва йилга қараб белгилаш, ҳодисаларни кетма-кет баён этилишини англатади. Умумий қабул қилинган таърифга кўра, у жой ва вақтни, сабаб ва таъсирни кўрсатиб, инсонлар ва жамоаларнинг ўтмишдаги фаолиятларига оид маълумотларни тақдим этилишини кўрсатади. Бу ўзаро боғлиқликни хужжатлар ва тўпламлар асосида ўрганадиган ижтимоий фан бўлими ҳисобланади. Ўтмишда содир бўлган воқеалар тафсилоти, сабаб ва оқибатлари ўзаро боғланган, ўтмиш ва келажак кўпригини ифодалайди. Тарих ушбу тузилмани ўрганадиган фан соҳаси сифатида ишлатилади. Вақт ўтиши билан тарих тушунчасининг маъноси кенгайиб, воқеаларни аниқлаш ва жараёнларда содир бўлган воқеаларга хос маълумотларни жамлаб ёзиш соҳаси сифатида кўринди.

**Аннотация.** Илк ислом тарихи манбаларида ислом динининг ривожслинин ва тарқалиши ҳақида муҳим маълумотлар берилган бўлиб, бу манбаларнинг аҳамияти бугунги кунда мусулмон оламида дин, ҳуқуқ ва тарих фанларини тушунишида самарали омил бўлмоқда. Ислом тарихи илк даврданоқ сиёсий, диний, иқтисодий, маданий, ижтимоий ва адабий тараққиёт натижасида шаклланган ҳамда бу жараёнда турли ислом илмларининг шаклланиши муҳим рол ўйнаган. Шу билан бирга, бу фанлар асосида яратилган асарлар ислом тарихи ва анъаналари ривожига хизмат қилиди, ислом тарихнавислигининг шаклланиши диний ва ижтимоий жараёнлар билан узвий равнишида ривожланди.

Бу жараёнда ислом тарихчилари томонидан берилган маълумотлар ишончлилик даражаси алоҳида эътироф этилди. Бунинг асосий сабаби шундаки, тарихий воқеалар ривоятлар асосида ва бир қанча ровийлар томонидан етказилди. VIII асрда ёзилган ҳадис, магозий, сийрат, тарих каби асарлар бир-бiri билан мутаносиб ривожланди. Тарих китобларида келтирилган маълумотлар жамланиб ислом тарихини акс эттирувчи сийрат, магозий, насабнома, ҳадис ва тарихий ривоятларни ўз ичига олган бошқа турдаги асарлар яратилди. Бу асарлар ислом тарихнавислиги ривожида катта роль ўйнади ҳамда тарих ва география ўртасидаги ўзига хос муносабатларни ойдинлаштиришига ёрдам берди. Бу даврда ёзилган асарлар кейинги даврда ёзилган янги турдаги тарихий асарларга турткы бўлди. Ушибу мақолада илк ислом тарихининг асосий манбалари кўриб чиқилади ва бу манбаларнинг ислом тарихининг шаклланиши ва ривожслинин жараёнига таъсири таҳдил қилинади.

**Калим сўзлар:** Ислом тарихи, жоҳиция, анбиё, расул, муаррих, манба, муҳтасар, муфассал, ривоят, муалиф, масниф, тарих, ровий.

**Abstract.** The early sources of Islamic history provide critical insights into the development and spread of Islam, serving as essential tools for understanding the disciplines of religion, law, and history in the modern Muslim world. From the outset, the history of Islam was shaped by political, religious, economic, cultural, social, and artistic developments, with the formation of various Islamic sciences playing a pivotal role in this process. Works created on the foundation of these sciences contributed significantly to the preservation and development of Islamic history and traditions. The formation of Islamic historiography evolved organically alongside religious and social transformations.

One key aspect of this historiographical tradition is the recognized reliability of the information provided by early Islamic historians. This reliability stems from the fact that historical events were often transmitted through narrations verified by multiple narrators. During the 8th centuries, works such as hadith, sira, maghazi, and historical texts developed in tandem. By synthesizing information from historical records with Islamic historical narratives, scholars produced works that encompassed sira (biographies of the Prophet), maghazi (accounts of military expeditions), genealogy, hadith (Prophetic traditions), and historical narrations. These works played a crucial role in the development of Islamic historiography and contributed to elucidating the unique relationship between history and geography. The historical works produced during this period inspired subsequent generations to create new types of historical literature. This article examines the primary sources of early Islamic history and analyzes their impact on the formation and evolution of Islamic historiography.

**Keywords:** History of Islam, jahiliyyah, prophet, messenger, historian, source, compiler, commentary, narration, author, classification, history, narrator.

**Аннотация.** Ранние источники исламской истории предоставляют важную информацию о развитии и распространении ислама, и их значение является важным фактором в понимании наук о религии, праве и истории в современном мусульманском мире. История ислама изначально формировалась в результате политического, религиозного, экономического, культурного, социального и художественного развития, и важную роль в этом процессе сыграло становление различных исламских наук. В то же время произведения, созданные на основе этих наук, способствовали развитию исламской истории и традиций. Формирование исламской историографии развивалось органично в контексте религиозных и социальных процессов.

В этом процессе признается достоверность информации, предоставленной исламскими историками. Основная причина этого заключается в том, что исторические события были изложены на основе повествований, переданных несколькими рассказчиками. Такие произведения, как хадисы, сира, магази и исторические работы, написанные в VIII веках, развивались пропорционально друг другу. Путем объединения информации из исторических книг с данными по истории ислама были созданы труды, содержащие сира, магази, генеалогию, хадисы и исторические повествования. Эти работы сыграли важную роль в развитии исламской историографии и помогли прояснить специфические взаимоотношения между историей и географией. Произведения, написанные в этот период, вдохновили создание нового типа исторических трудов в последующий период. В данной статье рассматриваются основные источники ранней исламской истории и анализируется влияние этих источников на процесс становления и развития исламской истории.

**Ключевые слова:** История ислама, джихадия, пророк, посланник, историк, источник, составитель, комментарий, повествование, автор, классификация, история, рассказчик.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Исломгача бўлган даврда араблар тарихга оид маълумотларни икки хил услубда, яъни «كتاب الأنساب» – (насаблар китоби) ва «أيام العرب» – (араб кунлари) йўналишида баён этиши кенг ривожланган эди. Арабларда ота-боболарининг ижтимоий ҳаётдаги мавқеи ўзига ва фарзандларига таъсир кўрсатиши ҳақида қараш мавжуд бўлиб, яхудий қабилалар билан кўшни яшаган араблар оила ва қабилаларга оид насл-насабни тўғри билиши, уни келаси авлодга асраб-авайлаб етказишга катта эътибор берган. Араблар тарихга ўтмиш ва ҳозирги замон ўртасида мустаҳкам боғлиқлик борлигига ишонган ҳамда инсон ҳаётининг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида қараган. Араблар ўтмишни доимий эслаб қолиш учун насл-насабни билиш илмига, миллий маънавий қадриятларни ҳимоя қилиш, урф одат ва анъаналарни билиш каби қадриятларга эргашиб билан бирга, хотиранинг кучлилиги, нотиқлик, шеърият ва насл-насабдан фахрланиш каби бир қатор ўзига хос жиҳатларга алоҳида эътибор қаратганлар.

Исломдан аввал яшаган қабилалар ўзаро рақобат туфайли кейинги даврларда наслага катта эътибор беришган. Шу даврга хос наслага оид маълумотлар оғзаки тарзда авлоддан-авлодга етказилган бўлиб, хулафои рошидинлардан Умар (р.а.) даврида буларнинг барчасини девонда рўйхатга олиш вазифаси белгиланган. Никоҳ, мерос ва вақф масалаларида наслаги билишга эҳтиёж пайдо бўлиши, наслагнома асрларни ёзишга эҳтиёжни ошириди. Ушбу туркумда Мусъаб ибн Зубайрнинг (ваф. 236/850 й.) «Китоб наслаги Қурайш», Балозурийнинг (ваф. 279/892 й.) «Ансаб ал-ашроф», Ибн Ҳазмнинг (ваф. 456/1063 й.) «Жумхурият ашъар ал-араб» асрлари мавжуд.

«Айём ал-араб» асари ҳам авлоддан-авлодга оғзаки тарзда ўтиб келган оғзаки ҳалқ ижоди ҳисобланаб, бу атама жоҳилия даврида ва ислом динининг ilk даврларида араб қабилалари ўртасида бўлиб ўтган воқеалар баёни сифатида қўлланилган. «Айём ал-араб»да одатда шахслар ёки қабилалар ўртасидаги тортишувлар баёни келтирилиб, араб адабиётидаги низоларга оид воқеалар наслаги ёки назм тарзида баён қилинадиган хикоят турига «مَعْلُوم» дейилади. Жоҳилия даврида содир бўлган ижтимоий

воқеаларга мавзу бўлган «أيام العرب» мазкур даврга оид шеъларнинг илҳом манбаи бўлди. Қариндошларга ёрдам бериш, аҳдга риоя қилиш, кўшнини ҳимоя қилиш, уруш, сабр-тоқат каби мавзуларни ўз ичига олган «أيام العرب» жанри араб шеъриятида ташбех, муболага, киноя каби адабий жанрларнинг пайдо бўлишига олиб келди. «Айём ал-араб» ҳақидаги ривоятлар II/VIII асрдан бошлаб кодификация этила бошланди. Жоҳилия даври тарихига оид бой материалларни ўз ичига олган «أيام العرب» маълумотларидан тарихчи ва тилшунослар дастлабки манба сифатида фойдаландилар. Хожи Ҳукмдор «أيام العرب»даги тарихий ривоятларни тарихнинг бир тармоғи сифатида тилга олган (Хожи Ҳукмдор, 2008:204).

## МУХОКАМА

Хижрий III асрнинг ilk даврида барча илмларда ривоятларнинг санадига эътибор кучайди. Бу даврда яшаган ислом тарихнавислари санад услубида тарихий воқеаларни келтирдилар. Аср охирида ривоятдаги санадлар қисқа тарзда, манба ва асарга мурожаат қилиш йўли билан баён этилди. Бу даврдан бошлаб оғзаки ривоятлар, ёзма ривоятлар, шартнома матнлари, мактублар каби манбалар билан алмаштирилди (Икром Зиё Умарий, 1994:16).

Дастлабки даврларда мусулмон ҳалқлари орасида тарих соҳасига оид жанрларнинг шаклланишига бир қанча омиллар таъсир қилган. Бунга асосий манба сифатида Қуръони каримда келтирилган қиссалар, аввалги Пайғамбар ва қавмлар тарихига оид воқеаларни ўрганиш натижасида турли ривоятлар жамланишига оид ҳолатни келтириш мумкин. Қуръони каримда инсонларни ўтмишдаги воқеаларни ўрганиш орқали улардан ибрат олишга оид бир қатор оятларнинг келтирилиши ҳам бунга таъсир қилган омиллардан ҳисобланади.

Ислом тарихи соҳасида ёзилган ilk асарлар «Сийрат ва мағозий» жанридаги асарлар бўлиб, саҳобалар даврида тарих соҳасига оид китоблар ёзилмаган, фақат ўзлари топган ривоятларни тартибсиз тарзда ёзиб олганлар, бошқа томондан эса, кейинги авлодга оғзаки тарзда етказгандар. Бу маълумотлардан Қуръон оятлари тафсирида, ҳадисларни изоҳлашда фойдаланилиб, уларни

тўплаш ва қайд этиш кейинги даврда «Сийрат ва мағозий» китобларининг яратилишига сабаб бўлди. Тобеинлар даврига келиб, ислом тарихи мавзулар ва тадрижийликка кўра тартибланди (Şeşen Ramazan, 1998:21). Ниҳоят, ҳижрий биринчи асрда ривоятлар рисола шаклида ёзиш босқичига етди ва натижада Умавийлар даврининг охри ва Аббосийлар даврининг бошида биринчи йирик «Сийрат ва мағозий» асарлар пайдо бўлди (F.Mustafa, 1985:360).

Сийрат соҳасидаги асосий манбалар Қуръони каримдан кейинги ўринда ҳадислар бўлиб, хусусан, Имом Моликнинг (ваф. 179/795 й.) «Муватто», Аҳмад ибн Ҳанбалнинг (ваф. 241/855 й.) «Муснад», Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон Доримиининг (ваф. 255/869 й.) «Сунан», Имом Бухорийнинг (ваф. 256/870 й.) «Сахих», Имом Мұслимнинг (ваф. 261/875 й.) «Сахих», Абу Довудинг (ваф. 275/889 й.) «Сунан», Мұхаммад ибн Исо Термизийнинг (ваф. 279/892 й.) «Сунан», Аҳмад ибн Шуайб Насойининг (ваф. 303/916 й.) «Сунан», Ибн Можанинг (ваф. 273/886 й.) «Сунан» номли энг машҳур тўпламларнинг бобларида маълумотлар ва мавзуга оид тафсилотлар билан баён этилган. Ислом тарихини ўрганишда ҳам ҳадислар алоҳида аҳамият касб этади. Илк ислом тарихи, Пайғамбар сийратларини ўрганишда асосан ҳадислар бирламчи ёзма манба сифатида хизмат қилгани сабабли, ҳадислар илк ислом тарихида бўлган воқеаларни ўзида мужассам этган (Д. Раҳимжонов, Д. Муратов, М. Алимова ва бошқалар, 2013:241).

Сийрат араб адабиётидаги жанр бўлиб, ўрга асрларда араб адабиёти жанрлари орасида етакчи ўрин эгаллайди. Бу услубдаги асарларининг вужудга келишида муҳим омилларга назар солсак, диний, сиёсий ва ижтимоий сабаблар таъсир этганини кўрамиз. Бу сабаблар орасида Мұхаммад (с.а.в.) ҳаёт йўли, турмуш тарзини ўрганиш, Қуръони каримнинг тафсири ва ҳадисларнинг жамланиши, илк фиқхий қарашлар ислом тарихининг шаклланишига таъсир қилган. Сиёсий қарама-қаршиликлар сифатида бошланган воқеалар вақт ўтиши билан диний кўринишга айланиб, зиддиятларни келтириб чиқарган тенденцияларни ўрганиш заруратини келтириб чиқарди. Шунингдек, ҳар бир мазҳаб ўз қарашларини Мұхаммад (с.а.в.) сиймосига

боғлашлари соҳа ривожига таъсирни янада ошириди.

Пайғамбар (с.а.в.) турмуш тарзи баёни келтирилган сийрат ва мағозий жанридаги асарларнинг ёзилиши, кейинги даврда ислом тарихшунослигида илмий ёндашувнинг бошланиши ва биографик асарларни ёзишга замин яратиб берди. Вақт ўтиши билан сийрат жанридаги асарларнинг муқаддима қисмiga аввалги пайғамбарлар ҳақидаги маълумотлар қўшилди. Олдин ўтган пайғамбарлар ҳаёти, Мұхаммад (с.а.в.) турмуш тарзи ва хулафои рошидинлар даври қўшилиб, янгича тарихий асар ёзиш услуги намоён бўлди. Бу каби услугуда биринчилардан Ибн Исҳоқнинг «Китоб ал-мағозий» асари эътироф этиб келинади. Муаллиф Пайғамбар (с.а.в.) вафотидан кейин у кишининг ҳаёт йўлларига оид барча оғзаки ва ёзма ривоятларни умумлаштириш асосида «Китоб ал-мағозий» асарини ёзди.

Ибн Исҳоқ замондошларидан кўра кенгроқ билимга эга бўлган ҳолда, ўз асарини уч қисмга ажратади. Биринчи қисм – Одам (а.с.) замонидан Мұхаммад (с.а.в.)га қадар бўлган давр, охирги икки бобда Мұхаммад (с.а.в.) ҳаёти, Макка даври ва Мадина даврига оид тарихий жараёнлар баёни келтирилган. Асар сўнгида хулафои рошидин даврига оид қисқа маълумотлар баёни келтирилиб, Ибн Исҳоқнинг «Китоб ал-мағозий» китоби бизгача этиб келмаган. Асардаги маълумотлар бошқа манбалар орқали бизга этиб келган. Демак, айтиш мумкинки, сийрат ва мағозий жанрида ёзиш дастлаб Ибн Исҳоқ (ваф. 151/768 й.)дан бошланган (Mustafa Fayda. Türkiye Diyanet Vakfı İslâm Ansiklopedisi. 1999, XX/93). Ушбу туркумдаги асарларга Вокидий (ваф. 207/822 й.)нинг «Китоб ал-мағозий», Ибн Ҳишом (ваф. 218/833 й.) таҳриридаги Ибн Исҳоқнинг «ас-Сийра ан-набавия»си, Ибн Ҳиббон (ваф. 354/965 й.)нинг «ас-Сийра ан-набавия ва ахбор ал-хулафо» асарларини киритиш мумкин.

Мұхаммад ибн Исҳоқнинг Абдулмалик ибн Ҳишом томонидан таҳрирланган «ас-Сийра ан-набавийя» асари бизга қадар этиб келган, сийрат жанридаги энг қадимий асар ҳисобланади. Ушбу китобнинг биринчи жилдида Мұхаммад (с.а.в.)дан Одам (а.с.)га қадар бўлган насаб силсиласи баёни, арабларнинг келиб чиқиши, жоҳиля арабларининг бутпарастлик тарихи,

Абраҳа ва «Фил» воқеаси, Замзам ва Каъба тарихи, илк ваҳий, Қуръоннинг нозил бўлиши, ислом тарихидаги муҳим воқеалардан Ҳудайбия сулҳи, Видолашув ҳажи ва ниҳоят, Пайғамбар (с.а.в.)нинг вафотлари каби воқеалар баёни келтирилган.

Ибн Ҳишом «ас-Сийра ан-набавийя» асарини тузишда Ибн Исҳоқнинг «Китоб ал-мағозий» асаридан кенг фойдаланиб, муаллиф берган маълумотларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритган. Ибн Ҳишом ўз китобини ёзиш жараёнида Ибн Исҳоқда келтирилмаган бошқа ривоятларни ҳам келтириб, янги мавзулар қўшган. Ибн Исҳоқ келтирган исроилиёт ва жоҳилия шеърларининг ҳаммасини келтириб ўтмаган.

III/IX асрдан бошлаб «шамоил» сўзи Пайғамбар (с.а.в.) сифатлари, шахсий ҳаёти ва ахлоқини ифодаловчи атама сифатида, ҳадисларда, сийра, тарих, тасаввуфга оид асарларда кўлланила бошланган. Ушбу туркумда Термизий (ваф. 279/892 й.) «аш-Шамоил ал-Муҳаммадия», Ҳусайн ибн Масъуд Бағавий (ваф. 516/1122 й.) «ал-Анвор фи шамоил ан-Набий ал-мухтор», Абулфидо ибн Касир (ваф. 774/1373 й.) «Шамоийл ар-расул» каби асарлар ёзишган.

IX асрда яшаб ўтган аллома Имом Термизий Пайғамбар (с.а.в.) ҳақида ёзган асарлари «Шамоил ан-Набавийя», деб номланиб, Муҳаммад (с.а.в.)нинг ахлоқий фазилатлари, турмуш тарзлари, ташки кўринишлари, хулқ-автори каби қўплаб ҳусусиятлар ҳақида батафсил маълумотлар бериб ўтилган. Муаллиф Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг хислатларини эллик олтида сарлавҳа ва тўрт юздан ортиқ ҳадисда баён қилиб, деярли ҳар бир жиҳатга тўхталиб, пайғамбарамизнинг ташки кўриниши, еб-ичиши, ўтириши-туриши, кийиниши, ийғлаши-кулиши, ҳазил-мутойibalари, гўзал ахлоқларини бирмабир тушунтириб ўтган. Асар композицион жиҳатдан ҳам, мазмунан ҳам мукаммал бўлганилиги боис, катта машҳурликка эришган.

«Шамоил ан-Набавийя» асарининг дунё фондларида кўплаб нусхалари мавжуд бўлиб, унга кўплаб шарҳ ва изоҳлар ёзилган ва асар доирасида бир қатор тадқиқотлар олиб борилганлиги, ҳусусан, кўплаб тилларга таржима қилинганлиги асарнинг илмий қийматини бебаҳо эканлигини кўрсатади.

«Шамоил» луғатда «одат», «фазилат», «хулқ-автор», «характер» маъноларини билдиради. Бу сўз вақт ўтиши билан атамага айланиб, Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг ахлоқлари, ташки кўринишлари, феъл-авторлари, кийиниш тарзлари, шахсий ҳаётлари билан боғлиқ ҳадислар жамланган китоб «Шамоил» деб аталади.

«Шамоил» услубида ёзилган асарларда ўзига хос ёндашувлар мавжуд бўлиб, ҳусусан Термизий муҳаддис сифатида бу мавзуга оид ҳадисларни умумий жамлаган. Термизий ҳадисларни мавзуга кўра гурухлаб, иснодларни тўлиқ келтиради ҳамда уларни таҳриж ва қисқача шарҳ билан тўлдиради.

Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг ахлоқлари барча учун намуна булиб, сийратларини саҳиҳ манбалар асосида ўрганиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Муҳаммад (с.а.в.)нинг ахлоқий фазилатлари, турмуш тарзлари ҳақида турли номлар остида асарлар ёзилган. Ҳусусан, Молик ибн Анас «Сифат ан-Набий», тарихчи Ибн Саъд «Сифат Расууллоҳ», Имом Бухорий «Маноқиб», Имом Муслим «Фазоил» иборасини кўллаб Муҳаммад (с.а.в.)га оид маълумотларни жамлаганлар. Илк даврларда Муҳаммад (с.а.в.) нинг инсоний фазилатларини баён қилиш мақсадида, «Маноқиб», «Фазоил» ва «Ахбор» номларида асарлар ёзилган. «Шамоил» атамасини илк маротаба Термизий ўзининг «Шамоил ан-Набавийя» асарида келтириб ўтади ва ушбу китоб ислом тарихига оид энг муҳим ҳадис китобларидан бири ҳисобланади.

Термизий бу асарида шамоил ҳақидаги ҳадисларнинг кўпини «ал-Жоме ал-саҳиҳ» асарида мавжуд ҳадисларни келтиришилик билан бирга, баъзиларини қисқартирган, гоҳида ровийлар ҳақидаги фикрларни қисқартирган ҳолда келтирган. Асардаги ҳадисларнинг аксарияти саҳиҳ даражасидаги ҳадислар бўлиб, салмоқли қисми ҳасан даражасидаги ривоятлардан иборат.

Имом Термизий бу асарида Пайғамбарамиз ҳаётига оид турли ривоятларни тўплаш билан бирга, унинг инсоний ахлоқий таъсири ва намунавий жиҳатларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтган. Асар ислом маданиятининг муҳим ажралмас қисмини ташкил этиб, бутун инсониятга ахлоқий фазилатларни баён этган манба ҳисобланади.

Кейинги даврда ислом тарихига оид табақот китоблари ёзилиб, унда олимлар, ёзувчилар, шоирлар, суфийлар каби кишиларнинг биографияси, эътиқоди ва характер хусусиятлари ва ҳаётий ҳикоялари жамланди. Дастраси табақот манбаларида саҳобалар ҳақидаги маълумотлар баён қилиниб, унда ровийлар занжиридаги кишилар алоҳида ўрганилди. III аср охири IV аср бошига келиб, ушбу асарларда факат ҳадис ривоят қилган кишиларнинг таржими ҳоллари келтирилиб, бу туркумдаги асарларга Ибн Саъд (ваф. 230/844 й.)нинг «ат-Табақот ал-кубрө», Ҳукмдор ибн Ҳаййот (ваф. 240/854 й.)нинг «Китоб ат-табақот», Ибн Кутайба (ваф. 276/889 й.)нинг «ат-Табақот аш-шуаро», Ибн Ҳиббон (ваф. 354/965 й.)нинг «Тарих ас-саҳоба», Шамсуддин Заҳабий (ваф. 748/1347 й.)нинг «Сияр аълом ан-нубало» асарларини келтириш мумкин. Табақот китобларида кишиларнинг биографиясига оид маълумотлар келтирилган бўлса-да, ўша давр айрим муаллифлар, бу туркумдаги асарларга «Тарих» номини беришган. Хусусан, Имом Бухорийнинг «ат-Тарих ал-авсат», «ат-Тарих ал-акбар», «ат-Тарих ас-сағир» асарлари бунга мисол бўлади.

Дастраси ислом тарихнавислиги сифатида намоён бўлган мағозий жанридаги асарлар кенгайиб, кейинги давр муаррихлари томонидан қўшимча маълумотлар киритилди. Ибн Исҳоқнинг «Китоб сийрат» асарини тўлдириб кейинги давр муаррихларидан Муҳаммад ибн Умар Вокидий (ваф. 207/822 й.)нинг ислом тарихига оид асари «Китоб ал-мағозий» деб номланса-да, Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳаёти ҳақидаги маълумотлар билан бирга хулафои рошидин даври ва ундан кейинги тарихий воқеалар баёни келтирилади. Умумий тарих китобларида келтирилган маълумотлар ислом тарихига оид воқеалар билан қўшилиб, сийрат, мағозий, ансоб, насабнома, ҳадис ва тарихий ривоятларни ўз ичига олган асарлар вужудга кела бошлади. Умумий тарих китобларида ёритилган мавзулар бир-биридан фарқ қиласа-да, улар асосан ўтмишдаги ҳалқларнинг тарихий воқеалари, пайғамбар ва подшоҳлар тарихи, ўша даврдаги ҳалқлар ва қабилаларнинг урф-одатлари, шеърлар ва ҳикояларни ўз ичига камраб олган. Тарихчи Яъқубий (ваф. 292/905 й.) ва Масъудий (ваф. 349/956 й.) ислом тарихнавислигини ривожлантириб, кейинги давр тарихий жараёнларни

ўз ичига олган асарлар ёздилар. Яъқубийнинг «Китоб ал-булдон» ва Табарийнинг «Тарих ар-руслан вал-мулук» каби асарлар қадимий мамлакатларнинг географик ҳолати, йирик шаҳарлари ва аҳолиси, уларнинг турмуш тарзи, машғулотлари, карvon йўллари, урушлар, галаёнлар, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётига доир турли маълумотлар баён этилган.

Табарийнинг тарихий воқеаларни хронологик тарзда баён этиши кейинчалик соҳада янгича услубда асарлар ёзилишига таъсир этди. Хронология баробарида айни мавзудаги ҳодисаларни бир сарлавҳа остида қаламга олиши кейинги давр муаллифлари ижодига таъсир кўрсатган, улар ҳам айни услубдан фойдаланишга уринишган. Айниқса, бу услуб маълум тарихий даврга жойлаштириш мушкул бўлган маълумотларнинг таснифида самарали фойдаланилган.

Табарийнинг хижратдан кейинги йиллар кетма-кетлигига келтирилган тарихий воқеалар баёни кейинги давр тарихчилари учун мумтоз намунаға айланди. Ибн Мисқавайҳ (ваф. 421/1030 й.) ва Ибн Асир каби муаррихлар Табарийга таяниб ўз асарларини ёзган. Ибн Жавзий (ваф. 597/1200 й.), Абул Фидо (ваф. 732/1331 й.), Ибн Касир (ваф. 774/1373 й.), Ибн Халдун (ваф. 808/1406 й.), Айний (ваф. 855/1451 й.) каби кўплаб муаррихлар шу услубда ислом тарихига оид асарлар ёзганлар. Демак, кейинчалик Табарийга таяниб ўз асарларини ёзган бўлсалар, бошқа бир гурӯҳ олимлар Табарий «Тарих ар-руслан вал-мулук» асарини давоми сифатида ўз асарларини ёзган (M. Fayda, 2011:XXXX/92).

Ўрта асрлардаги умумий тарих соҳасида Ҳукмдор ибн Ҳаййот (ваф. 240/854 й.) «Тарих», Ибн Кутайба (ваф. 276/889 й.) «ал-Маориф», Абу Ҳанифа Диноварий (ваф. 282/895 й.) «ал-Ахбор ат-тивол», Яъқубий (ваф. 292/905) «Тарих ал-Яъқубий», Табарий (ваф. 310/923 й.) «Тарих ар-руслан вал-мулук», Масъудий (ваф. 349/956 й.) «Муруж аз-заҳаб ва маодин ал-жавохир», Ибн Жавзий (ваф. 597/1200 й.) «ал-Мунтазам фи тарих ал-мулук ва ал-умам», Ибн Асир (ваф. 630/1233 й.) «ал-Комил фи ат-тарих», Ибн Касир (ваф. 774/1373 й.) «ал-Бидоя ва-н-ниҳоя» каби асарларни ёзди.

Табақот асарлари билан қисман ўхшаш «Вафоёт» китобларида машҳур одамларнинг ҳаёти ҳикоялари тилга олинган бўлса-да, асосий жиҳати машҳур шахсларнинг ўлим саналарини

қайд этилишига оид асарлардан хисобланади. Бу турдаги асарларга Ибн Ҳалликон (ваф. 684/1282 й.)нинг «Вафоёт ал-аъён» асари, Ибн Шокир Кутбий (ваф. 764/1362 й.)нинг «ал-Вофий би-ла-вафоёт» асарлари киритилиб, бу асарларда келтирилган маълумотлар вакт ўтиши билан умумий тарихга киритиб борилди. Ибн Жавзий (ваф. 597/1200 й.), Ибн Асир (ваф. 630/1233 й.), Заҳабий (ваф. 748/1347 й.), Ибн Касир (ваф. 774/1373 й.) каби кўплаб тарихчилар асарларида тарихий жараёнлар баёни келтирилиб, ҳар бир йил охирида ўша йилда вафот этган одамлар ҳақида маълумотларни бериб ўтади. Бу туркумда Ибн Ҳалликон (ваф. 681/1282 й.) – «Вафоёт ал-аъён», Абдуллоҳ ибн Сафадий (ваф. 764/1363 й.) – «ал-Вофий би ал-вафоёт» каби асарлар ёзган.

Хулафой рошидин давридаги фатҳлар, фатҳ жараёнидаги тарихий воқеалар, қўмондонлар ҳақидаги маълумотлар, босиб олинган ҳудудларнинг географик ҳолати каби кўплаб маълумотларни ўз ичига олган «Футухот» асарлари, ислом тарихини ёритувчи манбалардан ҳисобланади. Воқидий (ваф. 207/822 й.)нинг «Футух аш-Шом», Ибн Абдулҳаким (ваф. 257/871 й.)нинг «Футух Миср ва ахбориҳо», Балозурӣ (ваф. 279/892 й.)нинг «Футух ал-булдон», Ибн Аъсам Куфий (ваф. 314/926 й.)нинг «Китоб ал-футух», Язид ибн Муҳаммад Аздий (ваф. 334/945 й.)нинг «Футух аш-Шом» каби асарлар ушбу услубда ёзилган.

Вилоят ва шаҳарлар тарихи тарихшунослиқда мухим ўрин тутиб, бундай асарларда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва илмий соҳаларда шаҳар ёки минтақанинг ўрни ва салоҳияти муҳокама қилинади (I.Goldziher. 1993. – S. 139-141). Бу туркумдаги асарларга Ҳасан Басрий (ваф. 110/728 й.)нинг «Фазилат ал-мусаввара фи Маккат ал-Мукаррам», Абдуллоҳ Азракий (ваф. 222/837 й.)нинг «Тарих Макка», Ибн Шабба (ваф. 262/876 й.)нинг «Тарих ал-Мадина ал-Мунаввара», Муҳаммад Аздий (ваф. 334/945 й.)нинг «Тарих ал-Мавсил», Наршахий (ваф. 348/959 й.)нинг «Тарихи Бухоро», Хатиб Бағдодий (ваф. 463/1070 й.)нинг «Тарихи Бағдод», Ибн Ҳайён (ваф. 469/1076 й.)нинг «Китоб ал-мактаба фий тарих ар-рижол ли-л-Андалусий», Ибн Асокир (ваф. 571/1175 й.)нинг «Тарих ал-Дамашқ» асарларини келтириш мумкин.

Ўзига хос маданий тарихга эга ислом тарихини ёритувчи адабий асарлар, насиҳатлар, машҳур кишиларнинг васиятлари ва шеърлари каби мавзуларни ўз ичига олади. Бу туркумда Жоҳиз (ваф. 255/869 й.)нинг «ал-Баён ва

ат-тобеин», Ибн Умайр Мубаррад (ваф. 285/898 й.)нинг «ал-Комил фи ал-луғат ва ал-адаб», Ибн Дурайд (ваф. 321/933 й.)нинг «Иштиқоқ», Исфаҳоний (ваф. 356/957 й.)нинг «Китоб ағаний», Ёқут Ҳамавий (ваф. 626/1229)нинг «Мўъжам ал-удабо», Шаҳобиддин Нуваирий (ваф. 732/1332 й.)нинг «Ниҳоят ал-араб фи фунун ал-адаб» номли асарлар ёзган. Ушбу арабларнинг урф-одатлари, байрамлар, шоирлар, машҳур одамлар ва воқеалар ҳақида маълумотлар берилган.

Географияга оид асарлар туркумига кирган китобларда фақат жой номлари ва ҳудудлар ҳақида эмас, воқеалар, тарихий мавзулар ҳақида маълумотлар келади. Ушбу туркумдаги асарлар тарихий китобларда воқеа-ҳодисалар содир бўлган жойлар ҳақида берилган маълумотларни тўлдиради. Ўрта асрларда ушбу услубда Ибн Ҳурдадбех (ваф. 280/893 й.)нинг «Китоб ал-масалик ва ал-мамалик», Ибн Ҳавқал (ваф. 287/900 й.)нинг «Сурат ал-арз», Ибн ал-Фақиҳ (ваф. 289/902 й.)нинг «Китоб ал-булдон», Истаҳрий (ваф. IX-X)нинг «ал-Масалик ва ал-мамалик», Ёқут Ҳамавий (ваф. 626/1229 й.)нинг «Мўжам ал-булдон» асарлари мавжуд.

### НАТИЖА

Ислом тарихи Муҳаммад (с.а.в.)га Қуръон нозил бўлиши билан бошланган жараён бўлиб, пайғамбар ҳаётининг барча соҳаларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш, Қуръонни тафсир қилиш, номларни тўплаш каби турли услубларда асарлар ёзилди. Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳадислари ва аввалги ўтган Пайғамбар ва солих кишиларнинг ибратли қиссаларини келтириш, Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳаёт йўли ва турмуш тарзларини ривоят тарзида баён этилиши соҳа ривожида мухим ўрин тутиди. Турли тарихий ривоятлар, ҳабарлар, ҳикоялар билан биргаликда кундалик турмуш тарзида рўй берадиган воқеалар, хусусан, қурилиш, аскарлар ҳаёти, турли ҳужжатлар, ёзишмалар, шахслар туғилиши ва ўлимига оид маълумотлар, хукмдор, қози, фасл амирларининг ҳаж вақтидаги ваколати каби бир қатор ҳолатлар тарих соҳасига оид асарларда баён этила бошланди. Форс, юонон, сурёний тиллардаги китобларнинг таржима қилиниши турли ҳудудларга саёҳатларни кўпайишига таъсир қилди. Бунинг натижасида ўзи шоҳид бўлмаган ҳудудлар, ҳалқлар, цивилизациялар ҳақида ёзма манбаларнинг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатди.

Юқорида санаб ўтилган асарларнинг турларидан ташқари фихрист, саёҳатнома ва жоҳилия даври манбалари каби тарихий анъана ва воқеалар ҳақида хабар берадиган асарлар ҳам мавжуд.

Келтирилган маълумотлар асосида ислом тарихининг бошланиши ва ривожланиши ҳақида қуидаги фикрларни бериш мумкин:

– Ҳар бир жамиятда бўлгани каби илк ислом даврида оғзаки нақл ва ривоятлар ёзма тарихнависликнинг асосий манбай бўлган. Шу сабабли шеърлар, қабилаларнинг насаблари ва байрамлари ҳақида маълумотлар дастлабки ёзилган асарларда кенг баён этилган. Турли фикхий ва сиёсий бўлинишлар, мазҳабларнинг шаклланиши тарихнависликка сезиларли таъсир кўрсатди. Умавийлар ва Аббосийлар даврида бу омилнинг таъсири яққол кўриниб туради;

– жоҳилия даврида шеъриятнинг ривожланиши ва маълумотларни ривоят тарзидаги баёни кейинги даврларда содда ва ҳикояга ўхшаш тарихий жараёнлар баёнини ривожлантирди. Ҳижрий III асрнинг II ярмига қадар ислом тарихига оид асарлар сийрат, мағозий, табақот, тарожим ва футухот турларидан иборат бўлиб, Ибн Исҳоққа қадар умумий тарих билан бирлашишга уриниш сезилса-да, Табарий умумий тарихшунослик билан бирлаштира олган муаррихлардан ҳисобланади. Бу турдаги асарларда Пайғамбар (с.а.в.) тарихи алоҳида эмас, балки тарихий воқеаларнинг бир қисми сифатида намоён бўлди;

– ислом тарихига оид дастлабки асарларда, хусусан, Ибн Қутайба (ваф. 276/889 й.), Абу Ҳанифа Дайноварий (ваф. 282/895 й.). Яъқубий (ваф. 292/905 й.) каби тарихчилар қўллаган ровий силсиласи, кейинги давр тарихчилари томонидан заифлаша бошланди. Ровийлар занжирига эътиборни камайиши Табарийнинг «Тарих ар-руслул вал-мулук» асарида кўзга ташланади. Табарий ҳар бир ҳодисага оид тарихий жараёнларда иштирок этган ёки ровийлар силсиласидан хабардор бўлгани сабабли ровийлар занжирини тўлиқ бермаган. Бу усул кейинчалик Тожуддин Субкий (ваф. 772/1370 й.), Ибн Халдун (ваф. 808/1406 й.) каби тарихчилар томонидан қўлланилган.

Санаб ўтилган турли жанрлардаги тарихга оид асарлар ўз даврининг урф-одатлари, бой тарихий маълумотлар ва материалларини ўзида жамлаган. Бу каби манбалар туркумida ҳозирга

қадар жуда кўп асарлар ёзилган бўлиб, уларда берилган қимматли маълумотлар тарихшунослик соҳаси ривожига улкан ҳисса қўшган деб баҳолаш мумкин.

## ХУЛОСА

«Тарих» илми мусулмон дунёсида алоҳида фан сифатида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаган ҳолда, оғзаки ривоятларга асосланган ҳолда ривожланди. Исломнинг илк давридаги оғзаки тарихнавислик билан жоҳилия давридаги насабнома жанри ўртасида шакл ва услугуб жиҳатдан ўхшашлик мавжуд бўлса-да, исломгача бўлган арабларнинг «хронологияси» ўртасида боғлиқлик мавжуд. Чунки, жоҳилия даври тарихшунослиги қисса, масал тарзида бўлиб, илк ислом даврида сийрат ва мағозий услугида асарлар ёзилди. Бу манбаларда пешқадамлар мухаддислар бўлганликлари учун иснод ва матн услубида воқеалар баён этиш ҳолати устуворлик қилди.

Исломнинг дастлабки даврларидағи тадқиқотлар асосан библиографик маълумотларда баён этилди. III/XI асрдан бошлаб соҳага оид кўплаб асарлар ёзила бошланди. Бу даврда умумий тадқиқотлар билан бир қаторда бир миллат ёки минтақа тарихини ўрганиш ҳам кўзга ташланна бошлади. Муаррихлар бу борада турли усусларни қўллашган бўлиб, уларнинг баъзилари ўз мамлакатларига оид воқеаларни баён этган бўлсалар, бошқалари турли тоифадаги олимлар, шоиrlар, таникли амалдорлар ёки подшохликлар ўтмишини ўрганишган.

Ислом тарихи бирдан шаклланган эмас, илмлар ўз-ўзини тўлдириш учун жараён талаб қилганидек, ислом тарихи соҳаси ҳам маълум бир даврни босиб ўтди. Тарихчи ўзидан аввалги тарихга оид тадқиқотларни ҳисобга олган ҳолда ўз изланишларини давом эттирад экан, ўзидан кейинги тарихчиларга ҳам аввалги тарихчилар таъсир этади. Шунинг учун, ислом тарихи шаклланишида арабларда кенг тарқалган оғзаки ривоят анъанаси, шеърлар ва иснод тизими исломдан кейинги даврда ҳам давом этганлигини кузатамиз. Бунга қўшимча равишда айтишимиз мумкинки, исломгача бўлган даврга оид баъзи мифологик ривоятлар исломдан кейинги даврларда ҳам манба сифатида тилга олинган.

**МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ**

- Goldziher I. (1993). Klasik Arap Literatürü. çev. Azmi Yüksel-Rahmi Er. Ankara: Imaj Yayınları.
- Fayda M. (1985). Siyer Sahasındaki İlk Telif Çalışmalar. İzmir: Uluslararası Birinci İslam Araştırmaları Sempozyumu.
- Fayda M. (1999). İbn İshâk. İslâm Ansiklopedisi. İstanbul.: Türkiye Diyanet Vakfı.
- Fayda M. (2011). Târîhu'r-rusûl ve'l-mülük. İslâm Ansiklopedisi. İstanbul: Türkiye Diyanet Vakfı.
- Ramazan Ş. (1998). Müslümanlarda Tarih-Coğrafya Yazıcılığı, İstanbul 1998, s. 21. İstanbul : Çanakkale Onsekiz Mart Üniversitesi kütüphanesi.
- Ҳасанов А. (2017). Илк ислом тарихидан маъruzalар. Тошкент: Мовароуннаҳр.
- Д.Рахимжонов, Д.Муратов, М.Алимова ва бошқалар. (2013). Ҳадисшунослик. Тошкент: ТИУ.
- Умарий И. (1994). Ас-сийрат ан-набавия ас-саҳиха. Мадина: Мактабат ал-улум.
- Жўраев Н. (2017). Тарих – инсон. замон ва макон фалсафаси. Ўзбекистон хорижий тиллар илмий методик электрон журнал, 227-228.
- Хожи Ҳукмдор. (2008). Каşf az-zunun an-asomil kutub wal-funun (T. I). Байрут: Dor al-ix̄ turos ал-арабий.

**REFERENCES**

- Goldziher, I. (1993). Klasik Arap Literatürü (Trans. Azmi Yüksel & Rahmi Er). Ankara: Imaj Yayınları.
- Fayda, M. (1985). Siyer Sahasındaki İlk Telif Çalışmalar. İzmir: Uluslararası Birinci İslâm Araştırmaları Sempozyumu.
- Fayda, M. (1999). İbn İshâk. In İslâm Ansiklopedisi. İstanbul: Türkiye Diyanet Vakfı.
- Fayda, M. (2011). Târîhu'r-rusûl ve'l-mülük. In İslâm Ansiklopedisi. İstanbul: Türkiye Diyanet Vakfı.
- Ramazan, Ş. (1998). Müslümanlarda Tarih-Coğrafya Yazıcılığı. İstanbul: Çanakkale Onsekiz Mart Üniversitesi Kütüphanesi.
- Hasanov, A. (2017). Lectures on Early Islamic History. Tashkent: Mavaronnahr.
- Rahimjonov, D., Muratov, D., Alimova, M., & others. (2013). Hadith Studies. Tashkent: Tashkent Islamic University.
- Umarî, I. (1994). As-Sîrah an-Nabawiyyah as-Sâhihah. Madinah: Maktabat al-'Ulûm.
- Jûrayev, N. (2017). History – The Philosophy of Human, Time, and Space. Uzbekistan Scientific and Methodological Electronic Journal of Foreign Languages.
- Khaji Khalifa. (2008). Kashf al-Zunun 'an Asami al-Kutub wa al-Funun (Vol. I). Beirut: Dar al-Ihya' al-Turath al-'Arabi..

